



Ислом КАРИМОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА
ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ**

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ
МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕАЛИЗАЦИИ
СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

ISBN 978-9943-01-871-6



9 789943 018716

«ЎЗБЕКИСТОН»



Ислом КАРИМОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА
ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ**


**ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ
МАРОСИМИДАГИ НУТҚ**

2012 йил 14 сентябрь

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ
МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕАЛИЗАЦИИ
СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**ВЫСТУПЛЕНИЕ
НА ОТКРЫТИИ МЕЖДУНАРОДНОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ**

14 сентября 2012 года



ТОШКЕНТ — «ЎЗБЕКИСТОН» — 2012

УДК: 323:334.722(575.1)
ББК 66.3(5Ў):65.9(5Ў)09
К25

К25 **Каримов, Ислом**

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти / Роль и значение малого бизнеса и частного предпринимательства в реализации социально-экономической политики в Узбекистане: халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ, 2012 йил 14 сентябрь / И. Каримов; — Тошкент: Ўзбекистон, 2012. — 36 б.

УДК: 323:334.722(575.1)
ББК 66.3(5Ў):65.9(5Ў)09

ISBN 978-9943-01-871-6

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2012

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА
ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ**

**ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ
МАРОСИМИДАГИ НУТҚ**

Муҳтарам конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, қадрли меҳмонларимизни, нуфузли халқаро институтлар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банкнинг вакиллари, етакчи олим ва мутахассислар, бизнесменлар, дунёнинг 45 та мамлакатидан ташриф буюрган барча конференция иштирокчиларини қутлаш, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ҳамда анжуман ишида иштирок этаётганингиз учун самимий миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бугунги анжуман учун «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» деган мавзунинг танланиши бежиз эмас. Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб иқтисодиётнинг ушбу тармоғини жадал ривожлантиришга устувор аҳамият берилгани бизга эски мустабид, режали-тақсимот тизимидан қолган инқирознинг ўта ўткир муаммоларини ҳал этишда энг муҳим омил, таъбир жоиз бўлса, локомотив бўлиб хизмат қилгани билан боғлиқ.

Мазкур соҳани тез суръатлар билан тараққий топтириш ва умуман, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича биз танлаган модель 2008 йилда бош-

ланган, бугунги кунда, афсуски, чуқурлашув тенденциясига эга бўлиб бораётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий ва ҳалокатли оқибатларининг олдини олиш ҳамда бартараф этишда Ўзбекистон учун ҳал қилувчи роль ўйнади.

Жаҳон миқёсида янги рецессия ва банкротлик тўлқини, стагнация ва ишлаб чиқаришнинг пасайиш хавфи тобора ортиб бораётгани, қарздорлик мажбуриятлари ва бюджет тақчиллиги ўсаётгани, ишсизлик муаммоси, аҳоли ҳаёт даражаси ва турмуш шароитининг кескин ёмонлашуви, шунинг натижасида одамларнинг умумий норозилиги ва ижтимоий кескинлик кучайиб бораётгани хавотирга солмай қўймайди.

Банк секторини янги пул массаси, шунингдек, молия бозорини турли деривативалар, яъни, иккиламчи маҳсулотлар ҳисобидан назоратсиз равишда тўлдириш давом этаётгани нафақат инқироздан чиқиш муддатининг чўзилишига, балки миллий валюталарнинг янада қадрсизланиши ва шу билан боғлиқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг устига, катта миқдордаги валюта маблағлари реал иқтисодиётга етиб бормасдан, жаҳон иқтисодиётида асосан спекулятив ҳолатлар ва стагнация жараёнини кучайтирмоқда.

Қисқача айтганда, юзага келаётган аҳвол жаҳон иқтисодиётидаги муаммоларни тезда ҳал этиш имконини бермаяпти.

Шу нарса тобора аён бўлмоқдаки, инқироздан чиқиш жараёни ҳали яна узоқ давом этиши кутилмоқда ва унинг қачон тугаши ҳақида олдиндан бир нарса дейиш кўп жиҳатдан қийин бўлиб қолмоқда.

Биз мазкур конференция доирасида инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тўплаган тажри-

бамиз асосида сизлар билан фикр алмашишни истар эдик.

Ўз-ўзидан равшанки, ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоизи ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг камида 70 фоизи иқтисодиётнинг ушбу сектори улушига тўғри келадиган, юксак ривожланган ва ривожланаётган давлатларда юз йиллар давомида тўпланган бой тажриба бизни жуда қизиқтиради. Бу биз учун ниҳоятда муҳимдир.

Мен мана шу залда қўплаб хорижий меҳмонларимизни кўриб турганимдан ғоят мамнунман. Сизларнинг ушбу конференцияда иштирок этаётганингиз, ялпи мажлислар, секция йиғилишларидаги чиқиш ва маърузаларингиз, ўзбекистонлик ҳамкасбларингиз билан қилган яқин мулоқотларингиз, юртимизнинг турли шаҳарларига ташриф буюриб, баъзи объектларни бориб кўрганингиз, ўзаро баҳс ва фикр алмашувлар — буларнинг барчаси мазкур форумни ҳар томонлама бойитиб, унда фикрлар ранг-баранглигини таъминлашга, бу анжуманнинг сизлар кутган натижаларни беришига ишончим комил.

Бунинг учун сизларга самимий миннатдорлик билдираман.

Қадрли дўстлар!

Ўйлайманки, бугун ўзимизга бир саволни бериш ҳар томонлама мантиқий бўлади. Яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаш нима билан, қандай омил ва сабаблар билан боғлиқ эди?

Бунинг сабабларини қисқача баён этадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг муҳим таркибини ташкил қилувчи тармоқ бўлган кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Кичик бизнес нафақат иқтисодиётдаги маълум бир бўшлиқларни тўлдиради, балки уни диверсификация қилиш ва барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашда ўта муҳим роль ўйнайди.

Тадбиркорлик бизнеси аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишини таъминлашда, айниқса, бизнинг шаброитда қандай муҳим аҳамият касб этишини баҳолашнинг ўзи қийин. Қуйидаги рақамларни эътиборга оладиган бўлсак, шундай хулоса чиқариш мумкин.

Агар 2005—2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўйлайманки, ана шу рақамларнинг ўзиёқ кўп нарсани англатади ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ишончли йўлдан бораётганидан далолат беради.

Иккинчидан, тузилишига кўра ихчам, қарорлар қабул қилишда тезкор ва ҳаракатчан, янги тартиб-қоидаларни қисқа муддатда ўзлаштирадиган кичик бизнес жаҳон ва минтақалар бозорларидаги талаб ва конъюнктура ўзгаришларига анча тез мослашади.

Учинчидан, кичик бизнесни ташкил қилиш ва юритиш катта харажат ҳамда капитал қўйилмаларни талаб этмайди. Бу эса ишлаб чиқаришни тез ва осон модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, уларнинг номенклатурасини мунтазам янгилаб бориш ва рақобатдошлигини таъминлаш имконини беради.

Тўртинчидан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва салбий оқибатларига йирик корхона-

ларга нисбатан ушбу соҳанинг бардош бера олиш қобилияти анча юқоридир.

Фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда ушбу соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётида устувор мавқега эга бўлиши натижасида биз 2008—2009 йилларда глобал инқирознинг салбий оқибатларини ортиқча қийинчилик ва талафотларсиз енгиб ўтиш, ишлаб чиқаришни жаҳон бозори конъюнктураси ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатларда қайта ташкил этишга муваффақ бўлдик.

Саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғининг ўсиш суръатлари 2008—2009 йилларда ўртача 23—24 фоизни, хизматлар ва сервис соҳасининг ўсиш суръатлари эса 15—16 фоиздан кам бўлмаган кўрсаткични ташкил этди.

Бешинчидан, кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир. Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун замин туғдирмоқда, шу тариқа ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрта синфни шакллантириш учун мунтазам кенгайиб бораётган база бўлиб хизмат қилмоқда. Ўрта синф эса, маълумки, ҳар қандай демократик жамиятнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда айнан шу соҳани ривожлантириш ҳисобидан жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий барқарорликдан манфаатдор бўлган, мамлакатимизни тараққиёт ва демократик ислохотлар йўли-

дан ривожлантиришда фаол куч бўлиб майдонга чиқётган ижтимоий қатлам шаклланмоқда.

Ишончим комилки, ана шу ва бошқа омилларни чуқур англаш Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган улкан эътиборнинг сабабларини тушуниш имконини беради.

Шуни айтишнинг ўзи кифояки, 20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўйлайманки, конференция қатнашчилари бизнинг ўтган йиллар мобайнида бу соҳада эришган ютуқларимизни муносиб баҳолайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимиз тарихида азал-азалдан хусусий тадбиркорлик муҳим ўрин тутиб келгани кўп жиҳатдан кичик бизнеснинг жадаллик билан ривожланишига хизмат қилмоқда.

Биз аждодларимиздан мерос бўлган тадбиркорлик анъаналари, ота-боболаримизнинг асрлар давомида ўз ери, ўз мулки ва касб-корини эъозлаб, қадрлаб, ҳар томонлама асраб-авайлаб келгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Яна бир ғоят муҳим масала, яъни, Ўзбекистонда тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси айнан қандай принциплар асосида, қандай заминда ривожланаётгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, соҳа ривожини учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирил-

гани ва мунтазам такомиллаштириб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётганини таъкидлаш лозим.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидаёқ конституциявий норма ва тамойиллар асосида қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунлар қисқа муддатда саноат, савдо, умумий овқатланиш ва хизматлар соҳаларидаги ўн минглаб, юз минглаб давлат мулки бўлган объектларни хусусий мулкка айлантириш учун сотиш, мулкни ижарага бериш принципларини биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида жорий этиш имконини яратди.

Мамлакатимизда 2000 йилда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда асосий роль ўйнади. Ушбу қонунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши учун барча асосий кафолат ва шартлар мустаҳкамлаб қўйилган, тадбиркорлик ва бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза этилган.

Солиққа тортиш масаласи доимий равишда эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Фақат 2005 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналар учун айланма маблағдан олинадиган ягона солиқ тўлови ставкаси 2,5 баробар камайтирилиб, 13 фоиздан 5 фоизга туширилди, халқ амалий санъати ва оилавий бизнес объектлари эса умуман солиққа тортилмайди ёки энг кам ставка бўйича солиққа тортилади.

Алоҳида эътиборга молик жиҳати шундаки, биз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кўпгина давлатлар каби инқирозга қарши дастурлар доирасида солиқ ставкаларини нафақат оширмадик, балки аксинча, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини камайтирдик, харидоргир бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни 5—7 йилга солиқ тўловидан озод қилдик, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилайдиган, модернизация қиладиган корхоналарни эса божхона тўловларидан бутунлай озод қилдик.

Фақат 2011 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларининг умумий миқдори 500 миллион доллардан ошди. Корхоналар ушбу маблағнинг 35 фоизини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилишга, 25 фоизини ишчиларни рағбатлантиришга йўналтирди.

Давлатнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва коммуникация-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қўшаётган ҳал қилувчи ҳиссасини эътиборга оладиган бўлсак, унинг кичик корхоналар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги ролини баҳолашнинг ўзи қийин.

Бу борада мамлакатимизда ташкил этилган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» эркин индустриал зонасида юксак технологиялар асосида самарали фаолият кўрсатаётган бизнес субъектлари тажрибасини мисол тариқасида келтириш мумкин.

«Навоий» саноат зонасида муҳандислик тармоқлари, логистика, таъминот тизимлари қурилишига давлат томонидан 100 миллион долларга тенг миқдордаги маблағ сарфланди. Бу ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга хорижий сармоядорларни фаол жалб қилиш имконини берди.

Бу йил ташкил қилинган «Ангрен» саноат зонаси учун умумий қиймати 60 миллион доллардан зиёд бўлган ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва коммуникация тармоқларини шакллантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси нима учун, қандай мақсадларни кўзлаб амалга оширилмоқда?

Биз кичик бизнес соҳаси бундай кенг қўламли ишларни тўлиқ ўз зиммасига олиши мушкул эканини яхши тушунамиз. Чунки кичик бизнес бундай катта харажатларни кўтара олмайди. Шунинг учун давлат томонидан тадбиркор ва ишбилармонлар эҳтиёжини тўлиқ қондирадиган, уларни рағбатлантирадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида зарур инфратузилма ва коммуникациялар барпо этилмоқда. Бу табиий ҳол ва унинг моҳияти барчага аён бўлиши керак.

Биз бугунги кунда ташкил этаётган, алоҳида имтиёзларга эга бўлган бундай эркин иқтисодий зоналарга киритилаётган хорижий сармоялар миқдори 30 миллион доллардан ортиқ бўлса, ўша объектлар инфратузилмаси юз фоиз давлат томонидан молиялаштирилади.

Айни ана шу омиллар иқтисодиёт ва тадбиркорликнинг жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаётган, давлатимиз томонидан кўрилаётган рағбатлантирувчи чора-тадбирлар ҳисобланади.

Хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва кенгайтиришни рағбатлантиришда оптималлаштириш ва имтиёзли кредитлаш масалалари ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Фақат 2011 йил якунларига кўра, ушбу тармоқни ривожлантириш ва рағбатлантиришга мамлакатимиз банклари томонидан 2,5 миллиард долларга тенг қийматдаги кредитлар ажратилди, бу берилган умумий кредитлар ҳажмининг 26 фоизини ташкил этади.

Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари, БМТ тузилмалари, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи мамлакатлари, Жанубий Корея, Хитой, Германия ҳукуматлари, бошқа давлатлар ва ташкилотлар томонидан бу борада кўрсатилаётган катта ёрдамни юксак қадрлаймиз. Мазкур давлатлар ва ташкилотлар томонидан ўтган йиллар давомида иқтисодиётимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини молиялаштириш учун 1,5 миллиард доллардан ортиқ кредит ресурслари ажратилди.

Бу ҳақда гапирар эканман, Ўзбекистондаги барча тадбиркорлар номидан ва шахсан ўз номимдан БМТ ҳамда банк тузилмалари раҳбарлари ва намояндаларига, бугунги анжуманимизда иштирок этаётган хорижий давлатлар элчихоналари вакиллариغا Ўзбекистонда бизнес соҳасининг шаклланиши ва муваффақиятли ривожланишига қўшаётган ҳиссаси учун яна ва яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шarti ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажagini таъминлаши мумкинлигига кимнидир ишонтариш ёки буни исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Ана шу гоят муҳим жиҳатни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланган. Мана, 15 йилдирки, мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими амалга оширилмоқда.

Бу тизимнинг моҳияти 9+3 тамойили асосида 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимига ўтиш-

дан иборат. Бунда умумтаълим мактабларидаги 9 йиллик таҳсилдан сўнг ёшлар кейинги 3 йил мобайнида касб-хунар коллежларида ёки ўз хоҳишига кўра академик лицейларда ўқишни давом эттиради.

Одатда, лицейлар олий ўқув юртлари ва университетлар ҳузурида, мактаб таълимидан кейинги ўқишни давом эттириш учун ташкил қилинади.

Ўтган йиллар давомида қарийб 1,5 минг янги, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари — коллежлар барпо этилиб, уларда 3—4 та замонавий мутахассислик бўйича касб-хунарга эга бўлиш ва камида иккита чет тилини ўрганиш имконияти яратилган.

Фақат сўнгги 5 йил давомида ушбу ўқув юртларини 2 миллион 500 минг нафардан ортиқ ёшлар тамомлаб, ҳозирги вақтда мамлакатимизда янги барпо этилган замонавий корхоналар ва фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг сафларини тўлдирмоқда.

Мен ишонаман, сиз, азиз меҳмонларимиз — бугунги форум иштирокчиларининг кўпчилиги Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги коллежлар ва лицейларга ташриф буюриб, бўлажак кадрлар — мутахассислар тайёрлаш даражаси ва сифати билан танишиш асносида бу сўзларимизга ишонч ҳосил қилиш ва уларнинг амалий тасдиғини кўриш имконига эга бўлганлар.

Мен сизлар билан яна бир ўта муҳим масала юзасидан фикрлашмоқчиман.

Биз Ўзбекистонда бизнес юритишни истаган инсонлар ва, албатта, сиёсатчилар, дипломатлар, хорижий меҳмонлар билан турли мавзуларда кўп суҳбатлашганмиз.

Менга биз бугун барпо этаётган жамият ўз олдида қандай мақсадларни кўйгани ҳақида савол беришганида, мен уларга қуйидагича жавоб бераман.

Агар сиз бу саволга тўлиқ жавоб олишни, бизнинг бу борада амалга ошираётган ишларимизни ўз кўзингиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилишни истасангиз, бизнинг коллеж ва лицейларимизга боринг. Майли, ҳаммасига эмас, фақат бир нечтасига бориб кўринг, деб айтаман.

Айнан шу масканларда Ўзбекистоннинг эртанги кунини кўрасиз. Бу даргоҳларда янги авлод вояга етмоқда. Биз йигирма бир йилдан буён, миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, мустақил тараққиёт йўлидан боряпмиз.

Юртимиздаги бугунги одамлар, бугунги ўзбекистонликлар эркин фикрлайдиган, ўз кучига ишонадиган, собиқ Иттифоқда мавжуд бўлган турли иллат ва кайфиятлардан мутлақо холи бўлган инсонлардир. Бу — бизнинг авлод!

Эски замонда юқорида ўтириб ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсани ҳал қиладиган бош котиб бор, деган кайфият билан яшар эдик. Табиийки, биз бундай кайфият билан ривожлана олмас эдик. Собиқ тузум айнан шунинг учун ҳам барбод бўлди, тарқалиб кетди. Чунки у тараққий этишга қодир эмасди.

Бутун дунё, демократик жаҳон ҳамжамияти қандай ривожланаётган бўлса, шундай ривожланишимиз керак эди. Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг айнан шу йўлни танладик.

Ўйлайманки, бунинг амалий тасдиғини кўраман десагиз, ҳозирги ёшларимиз билан, олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олаётган, уларни битириб чиқаётган йигит-қизла-

римиз билан кўпроқ суҳбатлашинг. Шунда сиз бугун Ўзбекистонда қандай авлод вояга етаётганига ва у ўзининг эртанги ёруғ истиқболини қандай тасаввур этаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Сир эмаски, бизнеснинг эркин фаолият кўрсатишининг асосий мажбурий шартларидан бири, биринчи навбатда, **тадбиркорлик эркинлигининг кучли ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш**, уларни сўзда эмас, амалда бажариш, **давлат, ҳуқуқ-тартибот, назорат органлари ва тузилмалари томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиш** ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонунчилик даражасида жорий этилган, бунда қонунчиликдаги ҳар қандай қарама-қаршилик ва номувофиқ ўринлар тадбиркорлар фойдасига талқин қилиниши керак. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб уч йил давомида режали солиқ текширувларини ўтказишни тақиқлайдиган ва кейинчалик барқарор фаолият юритаётган, солиқ қонунчилиги ва тартиб-интизомга қатъий риоя қилаётган солиқ тўловчиларда текширувлар ўтказишни чеклайдиган тартиб жорий этилган.

2005 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат бериш тизимидан хабардор қилиш тизимига ўтилди. Ўз бизнесини очиш учун тадбиркорга икки кундан ортиқ бўлмаган муддат талаб этилади ва бу қоида ривожланган давлатларда амал қилаётган мезонларга жавоб беради.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлайдиган институционал

ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Товар-хомашё биржаси бозорда нархлар шаклланиши ва юқори ликвидли хомашё ресурслари ва товарларидан тенг фойдаланиш имкониятини яратишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда биржа савдоларининг изчил йўлга қўйилган механизми мавжуд бўлиб, у ҳар бир тадбиркорга **хомашё ресурсларидан биржа савдолари орқали тенг ва ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини бермоқда.**

Жорий йилда мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар, шунингдек, хорижий инвесторлар учун қўшимча рағбат ва имтиёзлар берилди. Шу йилнинг июль ойида Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кўпроқ эркинликлар бериш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқилиб, улар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккита фармони қабул қилинди.

Мамлакатимизда статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш жараёнларини амалга ошириш, хўжалик судларига даъво аризалари ва тавсияномалар киритиш бўйича электрон тизимни кенг жорий этиш кўзда тутилган бўлиб, бу ўз навбатида давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита алоқаларни сезиларли даражада қисқартириш ёки бутунлай бекор қилиш имконини беради.

Тасдиқланган чоралар жорий йилнинг 1 августидан бошлаб бизнесни рўйхатга олиш пайтидаги тартиб-қоидалар сонини 2 баробар қисқартириш имконини берди, рўйхатдан ўтишдан аввал бирламчи устав жамғар-

масини шакллантириш бўйича талаб бекор қилинди, тадбиркорлик субъектларининг суд харажатлари 2,5 баробар қисқартирилди.

Давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини тубдан камайтириш мақсадида жорий йилда рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилинди, молиявий ҳисоботларни топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилди. Бундан ташқари, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб 65 та статистик ҳисобот шакли ва 6 та солиқ ҳисоботи шаклини бекор қилиш, уларни топшириш даврийлигини 2 баробардан зиёд қисқартириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик талабларига кўра, **давлат органларининг ноқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек, қонунчиликка зид тарзда қабул қилинган идоравий ҳужжат туфайли тадбиркорлик субъектига етказилган зарар давлат томонидан қопланади.**

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Бугун биз ўз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб танлаб олган **мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, тадрижий ривожланиш йўли ва машҳур беш тамойил асосида барпо этиладиган фуқаролик жамиятини шакллантириш модели** тарихан қисқа муддатда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратишни таъминлади, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига ишончли равишда қарши туриш, дунёдаги саноқ-

ли мамлакатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юксак барқарор суръатларига эришиш имконини берди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Сўнгги 6 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот йилига 8,2 фоиздан кам бўлмаган суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ялпи ички маҳсулот, 2000 йил билан солиштирганда, 2,9 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,6 баробар ошди, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 3,4 баробар, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 20 баробардан кўпроқ ўсди.

Бу нимадан далолат беради? Бу шундан далолат берадики, хорижий сармоядорлар бизга ишонмоқда. Бу чет эл инвесторлари киритган сармоялар ўзини оқлаши ва Ўзбекистонда бизнес қоидаларининг ҳеч қачон бузилмаслигига бўлган ишончни билдиради. Шунинг учун ҳам бизнинг юртимизга киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқими кескин ортиб бормоқда. Демак, биз жаҳон бизнес оламига, дунё ҳамжамиятига дадил кириб боряпмиз. Демак, бизга катта ишонч билан қарашмоқда. Бу биз учун ниҳоятда муҳим. Мен бу масалага жуда катта эътибор билан қарайман.

Осиё тараққиёт банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад сўнгги 7 йил давомида 3 баробар кўпайган. Тўлов баланси жорий ҳисобининг доимий профицити таъминланмоқда, жами ташқи қарзнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10—12 фоиз даражасида бўлишига эришилмоқда, давлат ички қарзи деярли ноль даражада қолмоқда, етарли миқдордаги валюта захиралари сақланиб турибди.

Буларнинг барчаси меҳнаткаш ва меҳмондўст халқимизнинг мамлакатимизнинг эртанги кунига бўлган ишончини тобора мустаҳкамламоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, конференциянинг барча иштирокчиларига яна бир бор ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий миннатдорлигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Тошкент шаҳри,
Симпозиумлар саройи.

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ
МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕАЛИЗАЦИИ
СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**ВЫСТУПЛЕНИЕ
НА ОТКРЫТИИ МЕЖДУНАРОДНОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ**

Уважаемые участники конференции,
дамы и господа!

Мне доставляет большое удовольствие приветствовать вас, наших дорогих гостей, представителей авторитетных международных институтов — Организации Объединенных Наций, Всемирного банка, Международной финансовой корпорации, Азиатского банка развития, Исламского банка развития, ведущих ученых и специалистов, бизнесменов, всех участников конференции из 45 стран мира и выразить вам свое глубокое уважение, искреннюю признательность за участие в работе конференции.

Выбор темы настоящей конференции «О роли и значении малого бизнеса и частного предпринимательства в реализации социально-экономической политики в Узбекистане» далеко не случаен. Обусловлено это в первую очередь тем, что приоритет ускоренного развития этого сектора экономики с первых же дней независимости Узбекистана явился важнейшим локомотивом в решении острейших кризисных проблем, оставшихся нам от старой тоталитарной, планово-распределительной системы.

Опережающее развитие этой сферы и в целом избранная нами модель реформирования и модернизации страны сыграли в Узбекистане решающую роль в предупреждении и нейтрализации негативных и разрушительных последствий глобального финансово-экономического кризиса, разразившегося в 2008 году. Кризиса, который сегодня, к сожалению, имеет тенденцию к углублению.

Не могут не вызывать тревоги возрастающая угроза новой волны рецессии и банкротства, стагнации и падения производства, увеличение долговых обязательств и дефициты бюджетов, проблемы безработицы, резкого ухудшения уровня и условий жизни населения и, как следствие, растущее всеобщее недовольство людей и социальная напряженность.

Продолжающееся накачивание банковского сектора новой массой денежных средств за счет их печатания, а также бесконтрольное наводнение финансового рынка различными деривативами может привести не только к затягиванию сроков выхода из кризиса, но и к дальнейшему обесцениванию национальных валют со всеми вытекающими отсюда последствиями.

К тому же эти огромные вливания валютных средств не доходят до реальной экономики, в основном усиливают спекулятивную составляющую и стагнационные процессы в мировой экономике.

Говоря коротко, складывающееся положение дел не дает оснований для скорого разрешения проблем в мировой экономике. Становится все более очевидным, что выход из кризиса ожидается длительным и во многом труднопредсказуемым.

В рамках данной конференции мы хотели бы поделиться приобретенным у нас опытом в развитии малого бизнеса и частного предпринимательства как важнейшего фактора по смягчению и преодолению негативных последствий кризиса.

Разумеется, нас весьма интересует тот богатейший опыт, накопленный в течение столетий в высокоразвитых и развивающихся странах, где на долю этого сектора экономики приходится до 80 процентов валового внутреннего продукта и не менее 70 процентов от трудоспособного населения. Это для нас чрезвычайно важно.

Мне доставляет большое удовлетворение видеть в этом зале наших иностранных гостей. Ваше участие в конференции, ваши доклады, выступления на пленарных и секционных заседаниях, ваше тесное общение со своими узбекскими коллегами, поездки, посещения отдельных объектов, дискуссии и обмен мнениями — все это не может не обогатить и не разнообразить наш форум и, надеюсь, оправдает ваши ожидания.

Хотел бы искренне поблагодарить вас за это.

Уважаемые друзья!

Думаю, вполне логично задаться вопросом — чем, какими факторами и причинами был обусловлен выбор приоритета опережающего развития малого бизнеса и предпринимательства?

Если очень коротко изложить причины этого выбора, они состоят в следующем.

Во-первых, как показывает мировой опыт, малый бизнес, являясь важнейшим структурообразующим сектором экономики, служит основным источником наполнения внутреннего рынка необходимыми товарами и услугами.

Малый бизнес не только заполняет определенные ниши в экономике, но и играет исключительно важную роль в ее диверсификации и обеспечении устойчивых темпов развития.

Трудно переоценить, особенно в наших условиях, ту огромную роль, которую играет предпринимательский бизнес в обеспечении занятости населения и роста доходов людей. Об этом можно судить, если принять во внимание следующие цифры.

Если за 2005—2011 годы в экономике нашей страны было введено более 5 миллионов новых рабочих мест, то более 60 процентов из них — в сфере малого бизнеса и частного предпринимательства. Эти показатели уже говорят о многом и, по-моему, они вполне убедительны для любой страны. В результате в этой сфере в на-

стоящее время работает свыше 75 процентов всего занятого населения страны.

Во-вторых, являясь компактным по своей форме, обладая мобильностью и оперативностью в принятии решений, будучи восприимчивым к нововведениям, малый бизнес более гибко и быстрее может приспособиться к изменениям спроса, конъюнктуры на мировых и региональных рынках, своевременно реагирует на его вызовы.

В-третьих, создание и ведение малого бизнеса не требует больших затрат и капитальных вложений, что позволяет быстрее и легче проводить модернизацию, техническое и технологическое перевооружение производства, осваивать новые виды продукции, постоянно обновлять ее номенклатуру и обеспечивать конкурентоспособность.

В-четвертых, более высокая устойчивость этой сферы по сравнению с крупными предприятиями к вызовам и последствиям мирового финансово-экономического кризиса.

Только благодаря ускоренному развитию и доминирующему положению малого бизнеса и частного предпринимательства нам удалось менее болезненно, с меньшими потерями справиться с негативными последствиями кризиса 2008—2009 годов, в короткие сроки перестроить производство с учетом меняющейся конъюнктуры мирового рынка.

В промышленности темпы прироста сектора малого бизнеса и частного предпринимательства в 2008—2009 годах составили в среднем 23—24 процента, а темпы роста услуг и сервиса — не менее 15—16 процентов.

В-пятых, малое предпринимательство — это не только источник доходов, но и средство для раскрытия творческих и интеллектуальных способностей людей. Эта сфера дает возможность каждому человеку проявлять свои индивидуальные таланты и возможности, форми-

руя тем самым новый слой людей — инициативных, предприимчивых, склонных к самостоятельной деятельности, способных добиваться поставленной цели.

Одним словом, малый бизнес и частное предпринимательство по своей сути служат постоянно расширяющейся базой для формирования среднего класса, а как известно, средний класс является основой любого демократического общества. Именно за счет развития этой сферы создается тот социальный слой общества, который заинтересован в общественно-политической, социальной, экономической стабильности в обществе, является активной движущей силой продвижения страны по пути прогресса и демократических преобразований.

Убежден, что глубокое понимание этих и других факторов может объяснить причины того огромного внимания, которое уделяется в Узбекистане опережающему развитию малого бизнеса и частного предпринимательства. Достаточно сказать, что если 20 лет назад в Узбекистане частного предпринимательства практически не существовало, то сегодня более 90 процентов всех хозяйствующих субъектов — это предприятия малого бизнеса. На его долю приходится сегодня около 54 процентов валового внутреннего продукта, 22 процента производимой промышленной, 98 процентов сельскохозяйственной продукции.

Думаю, что участники конференции по достоинству оценят наши достижения в этой сфере за истекшие годы.

Хотел бы особо подчеркнуть, что столь стремительному росту малого бизнеса во многом способствовал тот факт, что испокон веков частное предпринимательство занимало особое место в истории нашей страны.

Мы с полным правом гордимся сохранившимися традициями предприимчивости наших предков, их уважительным и бережным отношением к земле, к собственности и ремеслам.

Уважаемые участники форума!

Позвольте очень коротко остановиться на следующем чрезвычайно важном вопросе, а именно — на чем, на каких принципах, на каком фундаменте строится развитие сферы предпринимательства и малого бизнеса в Узбекистане?

Это прежде всего на сформированной мощной законодательной и правовой базе, постоянном ее совершенствовании, системной государственной помощи в вопросах предоставления бизнесу льгот и преференций, техническом и технологическом переоснащении и модернизации производства.

Еще в начале 90-х годов на основе конституционных норм и принципов были приняты законы «О разгосударствлении и приватизации», «О собственности», которые позволили за короткий срок реализовать в частную собственность десятки и сотни тысяч объектов государственной собственности в отраслях промышленности, торговли, общественного питания и услуг, внедрить принципы арендной собственности, в первую очередь, в сельском хозяйстве.

Основополагающую роль в развитии частного предпринимательства сыграл принятый в 2000 году Закон «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности», в котором закреплены все основные гарантии и условия для свободного участия граждан в предпринимательской деятельности, защищены права и законные интересы субъектов предпринимательства и бизнеса.

В центре нашего внимания всегда оставались и остаются вопросы налогообложения. Только за период с 2005 по 2012 год ставка единого налогового платежа для микрофирм и малых предприятий была снижена более чем в 2,5 раза с 13 до 5 процентов от оборота, а объекты народно-прикладного творчества и семейного бизнеса не облагаются налогом вообще или облагаются по минимальной ставке.

Особого внимания заслуживает сам факт, что в период мирового финансово-экономического кризиса мы не только не увеличили ставки налогов, как это сделали многие страны в рамках антикризисных программ, но и, наоборот, снизили ставку единого налогового платежа для малых предприятий, освободили сроком на 5—7 лет от уплаты налога предприятия, специализирующиеся на производстве востребованных потребительских товаров, полностью освободили от таможенных платежей предприятия, осуществляющие техническую и технологическую модернизацию и обновление.

Только в 2011 году общая сумма налоговых льгот, предоставленных субъектам малого бизнеса и частного предпринимательства, превысила 500 миллионов долларов в эквиваленте.

Около 35 процентов от этой суммы предприятия направили на расширение и модернизацию производства, еще 25 процентов — на стимулирование работающих.

Трудно переоценить роль государства в формировании и становлении малых предприятий и предпринимательской деятельности, если учесть решающий его вклад в развитие производственной, социальной и коммуникационно-транспортной инфраструктуры.

В качестве примера достаточно привести опыт успешного функционирования высокотехнологичного бизнеса в созданных нами свободной индустриально-экономической зоне «Навои» и свободной индустриальной зоне «Ангрен».

В промышленной зоне «Навои» в строительство инженерных сетей, логистики, системы обеспечения государство вложило около 100 миллионов долларов в эквиваленте, что позволило активно привлечь иностранных инвесторов в создание десятков современных производств.

Для индустриальной зоны «Ангрен», созданной в этом году, разработана и уже реализуется специ-

альная программа по формированию производственной инфраструктуры и коммуникаций стоимостью более 60 миллионов долларов.

Для чего это делается? Мы прекрасно понимаем, что малый бизнес не может взять на себя такую нагрузку. Он не может вкладывать огромные вложения в строительство коммуникаций, которые служат не для одного малого предприятия или какой-то группы предприятий, а в целом эта производственная инфраструктура стимулирует, объединяет людей, создает необходимые условия и возможности для организации эффективной деятельности представителей малого бизнеса и частного предпринимательства. Это, естественно, всем должно быть понятно.

В Узбекистане принято решение о том, что в этих зонах, которые создаются как льготные зоны — зоны преференций, — вся инфраструктура для тех объектов, иностранные инвестиции в которые превышают 30 миллионов долларов, на 100 процентов финансируется государством. Считаем, что принимаемые нами меры — этот как раз тот стимул, который обеспечивает быстрый рост экономики и предпринимательства в Узбекистане.

Решающим фактором стимулирования формирования и расширения частного предпринимательства являются вопросы оптимизации и льготного кредитования.

Только по итогам 2011 года на развитие и стимулирование этого сектора банковская система страны выделила кредитов на сумму 2,5 миллиарда долларов в эквиваленте, что составило 26 процентов от общего объема выданных кредитов.

Мы высоко ценим ту огромную помощь, которую оказывают в этом деле международные финансовые институты, такие как Азиатский банк развития, Всемирный банк, Международная финансовая корпорация, Исламский банк развития, структуры ООН, страны Арабской Координационной группы, правительства

Южной Кореи, Китая, Германии и другие, которые за истекшие годы выделили свыше 1,5 миллиарда долларов кредитных ресурсов для финансирования малого бизнеса и частной сферы в экономике.

Говоря об этом, я хотел бы еще и еще раз выразить от имени всех наших узбекских предпринимателей и от себя лично слова искренней благодарности руководству и представителям ООН, банковских структур, присутствующим на конференции представителям иностранных посольств за ваш вклад в становление и успешное развитие бизнеса в Узбекистане.

Сегодня нет необходимости убеждать или доказывать кому-то, что только образованная, современно мыслящая, интеллектуально развитая и профессионально подготовленная молодежь может стать важнейшим условием и залогом качественного, динамичного и инновационного развития, может обеспечить достойное будущее страны.

Отдавая себе отчет в этом, проблема подготовки кадров в Узбекистане поднята на уровень важнейшего приоритета государственной политики. Вот уже 15 лет в стране реализуется уникальная система по их подготовке.

Суть ее состоит в переходе на обязательное бесплатное 12-летнее образование по принципу 9+3, где после окончания 9-летней общеобразовательной школы дети в течение 3-х последующих лет продолжают учебу в профессиональных колледжах или по выбору в лицеях.

Как правило, лицеи создаются при высших учебных заведениях и университетах для последующего продолжения учебы в них.

За эти годы было построено около 1,5 тысячи новых, оснащенных самым современным оборудованием средних специальных, профессиональных учебных заведений — колледжей, в которых получают профессию по 3—4 специальностям и знание не менее двух иностранных языков.

Только за последние 5 лет эти учебные заведения окончили более 2 миллионов 500 тысяч молодых людей, которые пополняют ряды тех, кто трудится сегодня на вновь построенных современных предприятиях и фермерских хозяйствах страны.

Я убежден, что многие из вас, наших гостей — участников настоящего форума, могли убедиться и найти подтверждение этих слов при знакомстве с уровнем и качеством подготовки будущих кадров — специалистов при посещении колледжей и лицеев в Ташкенте, Самарканде, Бухаре и других городах страны.

Хочу с вами поделиться одной своей мыслью. Я считаю ее очень важной. Часто, во время бесед с нашими иностранными гостями, особенно с теми, кто желает иметь бизнес в Узбекистане, и, конечно, политиками и дипломатами, их в первую очередь интересует, какое общество строит Узбекистан? Какие цели он ставит перед собой? И в какой мере мы можем быть уверены, убеждены, что будущее Узбекистана будет развиваться в том направлении, в котором развивается демократический мир.

Я всегда в этом случае говорю, смотрите и убедитесь в этом собственными глазами, посетив один из наших новых колледжей или лицеев, и вы убедитесь, что там рождается будущее Узбекистана — новое поколение, которое мыслит совершенно по-другому. Они не знают, что такое советский строй. В течение 21 года мы развиваемся, ни от кого не завися, исходя из наших национальных интересов. Это свободно мыслящие люди, которые верят в свои силы, а самое главное, давно избавились от идеологии бывшего строя. Те времена давно прошли. Когда-то мы все думали, что наверху сидит Генеральный секретарь и он все знает, все решает. И на самом деле, с таким мышлением, естественно, мы не могли развиваться. Я бы сказал: СССР распался только потому, что не мог дальше развиваться. Система не могла дальше существовать. Мы должны были развиваться так,

как развивается весь мир, демократический мир. И мы будем развиваться в этом направлении.

Вы смотрите на молодых людей, которые оканчивают вузы, колледжи, в их глазах можно прочесть, что они хотят и к чему стремятся, в каком направлении двигаться. Я думаю, что если вы хотите действительно утвердиться в мысли, что Узбекистан и дальше будет развиваться в демократическом сообществе, то больше беседуйте с нашими молодыми людьми, и вы поймете, какое поколение у нас растет и как это поколение видит свое будущее.

Уважаемые участники конференции!

Не секрет, что одним из основополагающих обязательных условий нормального функционирования бизнеса является **обеспечение в первую очередь сильных правовых гарантий свободы предпринимательства**, их безусловное выполнение не на словах, а на деле, **исключить незаконное вмешательство государственных, правоохранительных, контролирующих органов и структур в их деятельность.**

На законодательном уровне введен принцип приоритета прав предпринимателей во взаимоотношениях субъектов предпринимательства с государственными, правоохранительными и контролирующими органами, при котором любые противоречия и нестыковки в законодательстве должны трактоваться в пользу предпринимателей. Введен порядок, запрещающий проведение плановых налоговых проверок субъектов малого бизнеса в течение трех лет с момента их регистрации и ограничивающий в последующем проведение налоговых проверок стабильно работающих и добросовестных налогоплательщиков.

С 2005 года осуществлен переход от разрешительной к уведомительной системе государственной регистрации субъектов предпринимательства. Для открытия собственного бизнеса предпринимателю требуется не бо-

лее 2-х дней, что отвечает критериям, действующим в развитых странах.

Большое внимание в Узбекистане уделяется формированию институциональной и рыночной инфраструктуры, поддерживающей развитие малого бизнеса и частного предпринимательства. Важнейшим инструментом рыночного ценообразования и обеспечения равного доступа к высоколиквидным сырьевым ресурсам и товарам является товарно-сырьевая биржа. Мы имеем сегодня в своем активе хорошо отработанный механизм биржевой торговли, позволяющий любому предпринимателю **иметь равный и беспрепятственный доступ к сырьевым ресурсам через биржевые торги.**

В текущем году мы предоставили дополнительные стимулы и льготы экспортерам, а также иностранным инвесторам. В июле текущего года в сотрудничестве с Международной финансовой корпорацией разработаны меры по кардинальному улучшению деловой среды и предоставлению большей свободы предпринимательству, на основе которых были приняты два указа Президента Республики Узбекистан.

В стране предусмотрено широкое внедрение электронной системы предоставления статистической, финансовой и налоговой отчетности, уплаты налогов и обязательных платежей, осуществления регистрационных и разрешительных процедур, подачи исковых заявлений и ходатайств в хозяйственные суды, существенно сокращающих или полностью исключаящих прямые контакты между государственными, контролирующими органами и субъектами предпринимательства.

Утвержденные меры позволили с 1 августа текущего года в 2 раза сократить количество процедур при регистрации бизнеса, отменяют требования по формированию первоначального уставного фонда до регистрации, в 2,5 раза сокращают затраты субъектов предпринимательства на судебные издержки.

В целях кардинального сокращения вмешательства государства в деятельность субъектов предпринимательства в текущем году мы отменили 80 видов разрешительных процедур и 15 лицензируемых видов деятельности, в 1,5 раза сократили формы и периодичность представления финансовой отчетности.

Кроме того, принято решение об отмене с 1 января 2013 года 65 форм статистической и 6 форм налоговой отчетности, с сокращением более чем в 2 раза периодичности их сдачи.

Особо хотел бы подчеркнуть, что в соответствии с принятым законодательством установлен порядок, согласно которому **государство возмещает причиненные субъекту предпринимательства убытки в результате незаконных решений государственных органов, действий или бездействия их должностных лиц, а также принятия ведомственного акта, противоречащего законодательству.**

Уважаемые участники конференции!

Сегодня у нас есть все основания заявить, что избранная нами с первых же дней независимости **модель реформирования и модернизации страны, формирования гражданского общества, построенная на эволюционном пути развития и известных пяти принципах**, обеспечила по историческим меркам в короткий период создание прочного фундамента стабильного развития экономики, позволила надежно противостоять негативным последствиям мирового финансово-экономического кризиса, добиться среди немногих стран в мире устойчиво высоких темпов экономического и социального развития.

За последние 6 лет валовой внутренний продукт растет ежегодно темпами не менее 8,2 процента. По сравнению с 2000 годом ВВП вырос в 2,9 раза, производство промышленной продукции — в 2,6 раза, объемы инвестиций в экономику увеличились в 3,4 раза, при этом объем прямых иностранных инвестиций вырос более чем в 20 раз.

О чем это говорит? Это говорит о том, что нам доверяют. Иностранные инвесторы верят, что их вложенные средства окупятся, и они не будут беспокоиться о том, что заключили договор со страной или людьми, которые оказались несостоятельны. Я придаю огромное внимание тому, что увеличивается поток прямых инвестиций, и это очень важно для страны. Значит, мы входим в мир бизнеса мирового сообщества, значит, нам верят, значит, нам доверяют. А это дорогого стоит.

По данным Азиатского банка развития, доход на душу населения в Узбекистане за последние 7 лет увеличился в 3 раза. Обеспечивается постоянный профицит текущего счета платежного баланса, сохраняется низкий совокупный внешний долг на уровне 10—12 процентов от ВВП, практически нулевой государственный внутренний долг, поддерживаются достаточные валютные резервы.

Все это дает нам уверенность в будущем страны, нашего трудолюбивого и гостеприимного народа.

Пользуясь этой возможностью, позвольте еще и еще раз выразить всем участникам конференции свое огромное уважение и искреннюю признательность.

Желаю вам, дорогие друзья, плодотворной работы, приятного пребывания в Узбекистане, доброго здоровья, успехов и удач в вашей деятельности.

До новых встреч!

г. Ташкент,
Дворец Симпозиумов

Расмий нашр

Ислом Абдуғаниевич Каримов

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ
АМАЛГА ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ**

**ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ
МАРОСИМИДАГИ НУТҚ**

Ўзбек ва рус тилларида

Нашр учун масъуллар: *И. Аҳмедов, Ю. Шопен*

Рассом Ж. Адилов

Бадий муҳаррир Д. Муллажонов

Техник муҳаррир Д. Габдрахманова

Мусахҳиҳлар: Ш. Орипова, В. Исаева

Компьютерда тайёрловчи Л. Абкеримова

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 14.11.2012. Офсет қоғози.

Бичими 60×90¹/₁₆, «Times» гарнитурда офсет усулида босилди.

Шартли б.т. 2,25. Нашр т. 1,88. Тиражи 10 000. Буюртма № 12-355.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz